

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Информатика факультети

Эксперт рухсати
(Ректор қарори билан
декан ёки проректор)
“ _____ ” _____ 2007 й.

Ҳимояга рухсат этилсин:
“Информатика ва АТ”
кафедраси мудири доцент
_____ М.Олимов
“ _____ ” _____ 2007 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: «MS Office да дастурлаш» фанидан маъруза ва тажриба
ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш

Битирув малакавий ишини бажарди:
5140900 - Касб таълими (Информатика ва АТ)
йўналишининг 4 курс талабаси

Валиханова Н.

Битирув малакавий иши раҳбари: _____ доц. О.Жакбаров

Маслаҳатчи:

Мамадалиев А.

Наманган -2007

Мундарижа

I. Кириш	3
1.1. Касб таълими йўналишида янги ахборот технологиялари	3
1.2. БМИ иши бўйича мавжуд адабиётлар ва дастурий таъминотлар таҳлили	4
1.3. Мавзунинг долзарблиги	6
1.4. Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари	7
1.5. Битирув малакавий ишининг тузилиши ҳақида маълумот	8
II. Асосий қисм.....	10
2.1. Масаланинг қўйилиши	10
2.2. MS Office дастурлари имкониятларини ошириш йўллари	11
2.3. Масала учун дастурий ва техник таъминотлар	11
2.4. VBA тили имкониятлари.....	18
2.5. Макросларни яратиш технологияси	20
2.6. Электрон услубий таъминотни яратиш технологияси	23
2.6.1. Электрон услубий таъминотни маъруза бўлимини яратиш технологияси	25
2.6.2. Электрон услубий таъминотни амалий бўлимини яратиш технологияси.....	26
2.6.3. Электрон услубий таъминотни мустақил иш бўлимини яратиш технологияси.....	26
2.6.4. Электрон услубий таъминотни қўшимча манбалар билан таъминлаш бўлимини яратиш технологияси	26
2.7. Дастурий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси.....	27
III. Педагогик қисм	27
3.1. Тажриба ишларини бажаришда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш	27
3.2. Таълим тизимида электрон услубий таъминот яратишнинг бўйича тавсиялар.....	28
IV. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	30
V. Атроф-муҳит муҳофазаси	31
5.1. Ўқув хоналарида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари	31
5.2. Компьютердан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари.....	31
VI. Иқтисодий қисм	32
Хулоса	33
Фойдаланилган адабиётлар	34

I. Кириш

Кундалик ҳаётимиз ва истиқболимиз равнақи учун муҳим бўлган таълим тизимига замонавий ахборот технологияларини киритиш ва жорий этиш тобора олдинги ўринга чиқиб бораёпти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичида белгиланган долзарб масалалардан бири сифатида таълим жараёнларига ахборот коммуникацион технологияларини кенг тадбик этиш ва бу борада компютерлардан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада булишини таъминлаш курсатилган. Таълим соҳасига янги ахборот технологиялар ва масофавий таълимни жорий этиш уқитишда муносабатни ва ёндашувни узгартириш ҳамда таълим тизимида яхлит ахборот маконини вужудга келтириш имконини яратади.

Президентимизнинг Олий мажлиснинг тукқизинчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг етти устивор юналишлари ижросини таъминлаш, замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, масофавий таълимни жорий этиш мақсадида институтимизда ҳам «Ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази» ташкил қилинди. Ахборот технологияларини ўқув жараёнига тадбик этишнинг муҳим омилларидан бири электрон дарсликлар, қўлланмалар ва курслар яратишдир. электрон дарсликлар ва қўлланмалар маъруза мазмунини бойитиш билан бирга уларни унча катта бўлмаган харажатларсиз янги маълумотлар билан тўлдириб бориш имкониятини яратади. электрон дарсликлар ва қўлланмаларнинг яратилиши ва уларни ўқув жараёнига қўлланилиши таълим муассаларида электрон кутубхоналарининг яратишига асос бўлади. Бундан қурииб турибдики таълим муассаларида ягона каталог тизимига эга бўлган кутубхоналарнинг пайдо бўлиши ва локал тармоқнинг яратилиши кутубхоналарга боғлиқ муаммоларни ечишга олиб келиши билан бир қаторда уларнинг ишларини самарадорлигини оширишга ва координация қилишга имконият яратади. Шунинг учун асосий эътибор масофадан ўқитишнинг асоси ҳисобланган ўқув-услубий қўлланмаларнинг электрон талқинларини тайёрлашга қаратилган.

1.1. Касб таълими йўналишида янги ахборот технологиялари

«Ёшликнинг эпчиллик ва бардошлигини фаолиятнинг шундай соҳасини излашга ишлатиш керакки, бу фаолият етарлича ички мазмунга ва етарлича реал қимматга эга бўлиб, сенга бугун ҳаётинг давомида танлаган йўналишининг бўйича унумли ишлаш имконини таъминлансин» деган эди Кибернетика фанининг асосчиси Норберг Винер. Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқитиладиган йўналишларнинг замонавийлиги ўша жойлардаги хоналарнинг компютерлаштирилганлиги даражаси билан ўлчанмоқда.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлар, масалан, таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли-камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари, ўқувчилар ўқув-билим фаолиятининг методлари, ўқув материални ташкил қилиш ва структуралаштириш ва ҳоказолар жадал ўрганилмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш, янги ахборот технологиялари билан таъминлаш инсонларнинг турли-туман маълумотларга булган эҳтиёжини қондириш муҳим урин тутади. Инсон ахборот олами ичра яшаркан, воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг бири-бирига алоқадорлигини, узаро муносабати ва моҳиятини таҳлил этиш, ўз ҳаётидан келиб чиқаётган мураккаб саволларга илмий жавоб топиш мақсадида қўпдан-қўп далил ва рақамларга мурожаат қилади.

Ҳозирги замон таълими фақат инсоният эришган билимларни ўзлаштиришни эмас балки жамият ҳал қилиши ва бунда бугунги ўқувчилар қатнашиши лозим бўлган

масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади. Халқ хўжалиги ва фаннинг ҳамма соҳаларида жуда катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларини ўзи ўқитадиган фан соҳаси бўйича навбатдаги қайта қуришлар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни ўқувчиларга мос шаклда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистонда иктисодий ва ижтимоий соҳаларда юкори натижаларга эришиши, жаҳон иктисодий тизимида тулаконли шериклик урнини эгаллай бориши, инсон фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан юкори даражада фойдаланиш куламлири кандай булишига, ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширишда кандай роль уйнашига боғлиқ. Айниқса, фаол фаолият курсатиш жараёнида инсонда бир йула куплаб соҳаларга оид ахборот ва маълумотларни йигиш, ҳисоблаш жараёнини тезлатиш зарурий эҳтиёжи тугилди. Замонавий технологиялар эса ана шундай жуда катта маълумотларни тез куриб чиқиш, ҳамда оз вақт ичида катта аниқликдаги натижалар олиш имконини беради.

Бугунги кунда ижтимоий турли куринишдаги ахборотлар мажмуаси кенг ва ривожланган булиб, унинг жамиятда тутган урни бекиёсдир.

Охирги даврда ахборотли муҳитда катта узғаришлар булиб бормоқда. Ана шу узғаришлар коғозсиз технология заруратини келтириб чиқаради. Бу эса уз навбатида, ЭХМнинг янада кенг ривожланишига сабаб булди. Ахборотли муҳитнинг келажакда, инсон ҳаётидаги урни ва аҳамияти бугунги ҳолатидан анча юкори булиши учун бажарилиши лозим булган вазифалар куламини кенгайтириш талаб этилади.

Агар компютерлаштириш техник муаммоларни уз ичига олса, ахборотлаштириш комплекс жараён булиб, у жамият ҳаётининг барча жаҳаларини камраб олади ва компютерлар унинг техник асосинигина ташкил этади, ҳолос.

Республикамизда ахборотлаштириш кенг йулга куйилиши билан, ундаги ҳар бир фуқаро керакли ахборотни керакли пайтда, керакли миқдорда, керакли сифатда олиш имкониятлари очилмоқда. Республикамиздаги вилоятлар, шаҳарлар, туманларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар замонавий компютер техникалари билан жиҳозланиб, улар махсус курилмалар (телефон тармоғи, модем ва бошқалар) ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга булмоқдалар. Инсоннинг иктисодий, экологик, сиёсий ва бошқа соҳаларда фикрлаш доирасининг кенгайиши ахборотли муҳитнинг сифат ва миқдор жиҳатдан узғариб, янги хусусиятга эга булган ахборотли муҳитнинг келиб чиқишига сабаб булмоқда.

Республикамиз мустикалликка эришганидан сунг, ахборотлаштириш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йуналишда катта тадбирлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тугрисида»ги қонунда бу дастурнинг туб моҳияти баён этилган. Шунингдек, сунгги 5-6 йил ичида бу соҳада қабул қилинган қатор ҳужжатлар ахборотлашган жамиятни куриш энг олий инсоний орзу-ниятга айланганлигидан қалолат беради.

1.2. БМИ иши бўйича мавжуд адабиётлар ва дастурий таъминотлар таҳлили

Ҳозирда олиб борилаётган иктисодий, тузилмавий ва бошқа ўзғаришларни амалга ошириш натижалари республикада ахборотлаштиш билан боғлиқ муоммоларнинг қандай ва қайси муддатларга ҳал этишга ҳам боғлиқ. Буларни эътиборга олган ҳолда педагогик технологиялар ва электрон услубий қўлланмаларни яратиш ҳамда амалда қўллаш бўйича бажарилган ишларга таҳлилий фикрларимизни келтириб ўтайлик.

Маълумки, барча қомусий олимлар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: таъминотли таҷриба методлари (Ибн Сино), билимларнинг баён қилишнинг савол жовобли йўллари (Абу Райҳон Беруний, Ал-

Хоразмий), кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, билимларни текшириш методлари (Фаробий, Ал-Хоразмий) ва ҳоказолардан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур олимларнинг ҳаммалари ўқувчилар фаолиятини кучайтириш ва уларда мантикий тафаккурни ривожлантириш мақсадини кўзлаганлар.

Бурхониддин Зарнужийнинг фикрича, инсоннинг билиш фаолияти билмасликдан билишга қараб боради.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида қўйиладиган талаблар нима ва ўқувчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?.

Ҳозирги замон таълими фақат инсоният эришган билимларни ўзлаштиришни эмас балки жамият ҳал қилиши ва бунда бугунги ўқувчилар қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади.

Таҳлилий фикр сифатида республикамызда қабул қилинаётган ахборотлаштиришга ва таълимга оид қарор ва қонунларга ҳам назар ташлайдиган бўлсак, айтиш мумкинки кейинги 15 йил давомида жуда ҳам катта ишлар амалга оширилди.

1994 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепсиясини қабул қилди. Ушбу концепсиясини асосий мақсади ва унда куйилган масалалар куйидагилардан иборат бўлди:

- миллий ахборот -хисоблаш тармогини яратиш;
- ахборотларга товар сифатида ёндошишнинг иктисодий, ҳукукий ва мейёрий ҳужжатларини юритиш;
- информатик ахборотларни қайта ишлашда жаҳон стандартларига риоя қилиш;
- информатика индустриясини яратиш ва ривожлантириш;
- ахборотлар технологияси соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни раҳбатлантириш ва куллаб қуватлаш;
- информатика воситаларида фойдаланувчиларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш.

Концепсиясининг асосий қоидалари ҳисобга олинган «Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастури» ишлаб чиқилди, у уч мақсадли дастурни уз ичига олади:

- А) Миллий ахборот- ҳисоблаш тармоғи;
- Б) ЭХМ ни математик ва дастурий таъминлаш;
- В) Шахсий компьютер.

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг олти устивор юналиши куйидагилардан иборат.

- 1) Давлат статистика тизими, кредит-молия ва банк тизимлари.
- 2) Электрон маълумотлар базаси.
- 3) Фан-техника ахбороти (ФТА) тармоғи.
- 4) Таълим кадрлар тайёрлаш ва қайта тайта тайёрлаш ижтимоий муҳофаза ва соғлиқни сақлаш соҳалари ахборот тизимлари.
- 5) Маълумотларни узатиш ва алоқа тизимлари.
- 6) Фавқулудда ҳолатларни олдини олиш ва хабар беришнинг ахборот тизимлари.

Мазкур дастурда вазирлик ва маҳкамалар ахборот тармоқлари, миллий ахборот-хисоблаш тармогини яратиб, компьютерлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш янги ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳужжатлаштиришнинг мейёрий-услубий ва ҳукукий тизимини яратиш ва бошқалар жой олган.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларнинг исботи сифатида Интернет саҳифаларини келтиришнинг ўзи ҳам кифоя. Чунки бугунги кунда Интернет саҳифаларида кўплаб ўзбек тилидаги намунавий дастурлар, маъруза матнлари, ахборотлар, таълим тизимида оид

ихтиёрий маълумотларни кўриш мумкин. Мисол сифатида edu.uz сайтини олиб қарайлик. Бу сайт республикамизда таълим жараёнлари учун зарур бўлган жуда кўп маълумотларга эга. Бу сайтдан ихтиёрий олийгоҳнинг бирор таълим йўналиши бўйича намунавий ва ишчи дастурлари, уларга мос маъруза матнлари, услубий таъминотлар ва тажриба ишларини бажариш бўйича керакли ахборотларни олиш ва фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Интернет бугунги кун учун шундай катта имкониятлар ўчоғи бўлиб қолдики, ундан адабиёт сифатида ҳам, хабарчи сифатида ҳам, хаттоки дўст сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунга мос равишда дастурий таъминотларнинг ҳам имкониятлари янада ошиб улардан фойдаланувчилар сони эса, кундан-кун ўсиб бормоқда.

Маълумки MicrostOffice дастурлари бугунга кунда кенг фойдаланувчилар ўртасида энг кўп ишлатиладиган дастурлар ҳисобланади. Бу дастурлар ҳақиқатдан ҳақиқатдан ҳам катта имкониятларга эга.

Windows операцион тизими пайдо бўлишидан аввал MSDOS операцион системаси билан ишланган вақтда ҳам жуда кўплаб матн муҳаррирлари, электрон жадваллар ҳамда турли хил маълумотлар базаси билан ишловчи дастурий таъминотлар мавжуд бўлган. Мисол сифатида буларга: Refis, Lexicon, WD, SC2, SC3, SC4, SuperCalc5, Lotus ва ҳ.к. каби дастурий таъминотларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Windows операцион системасининг яратилиши билан 1990 йиллардан кейин ахборотларни қайта ишлаш ва компьютерлардан фойдаланиш самарадорлигида жуда ҳам ката ўзгаришлар рўй берди. Система билан биргаликда MicroSoft Office дастурлари ҳам пайдо бўлдики, бу компьютер имкониятларини янада ошириш ва фойдаланувчиларга катта қулайликларни яратиб бериш учун давр нуқтаи назаридан етарли бўлди.

Кейингчалик операцион системанинг янги версияларини пайдо бўлиши, компьютернинг техник имкониятларини янада ўсиб бориши, ўз навбатида MS Office дастурларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Яъни бу дастурлар пакетининг ҳам янги версиялари яратилишига сабаб бўлди.

Баъзи фойдаланувчи яратилган дастурий таъминотлардан қонинқиб қолмасдан, балки ўзларининг хоҳишларидаги буйруқларни қўшиб ишлатишни ҳамда керак бўлса баъзи бир буйруқларни янада оптималлаштиришни кўзлайдилар. Шунингдек уларга китоблардагидек бир бошдан ҳамма нарсани тушунтиришни кераги бўлмай қолади, чунки улар буйруқларни кўришлари билан гап нима ҳақида ва мақсад нимадан иборатлигини билиб бўладилар.

Ана шу тиниб тинчимас изланувчи укувчига жуда тез ўрганиш имконини бериш MS Office дастурлар пакетига мавжуд бўлиб бу тилни Visual Basic for Application (VBA – дастурий таъминотлар учун Visual Basic) деб номланади.

Юқорида келтириб ўтилган бўйича мавжуд адабиётлар ва дастурий таъминотлар таҳлилидан кўринадики, битирув малакавий иши бўйича қўйилган мавзу шу кун талабига кўра жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

1.3. Мавзунинг долзарблиги

«Microsoft Office да дастурлаш» фани бўйича яратмоқчи бўлган мазкур услубий таъминот 5140900 – Касбий таълим (Информатика ва ахборотлар технологияси) мутахассислиги ўқув режасининг таркибидаги фанларнинг дастурларидан бири ҳисобланиб, ундаги мавзуларда Microsoft Office дастурлари билан ишлаш имкониятига эга дастурлаш тиллари ва имкониятлари, Microsoft Office дастурлари билан ишловчи VBA макрокомандалари ва имкониятлари, Microsoft Excel, Word, Power Point да макрослар яратиш ва намоишларини ташкил этиш кабиларни батафсил ёритиб бериш асосий мақсад сифатида қаралган.

Битирув малакавий ишида келтириб ўтилган мавзу бўйича ҳозирги кунда етарлича адабиётлар мавжуд эмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ўқувчилар учун бироз қийинчиликларни келтириб чиқаради. Услубий таъминотни яратишдан асосий мақсад, ўртадаги мана шу камчиликларга бироз бўлсада барҳам бериш ва талабаларни мустақил таълим олишлари учун имкон яратиб беришдан иборат.

Бугунги кунда интернет саҳифалари, олийгоҳ ва касб-ҳунар коллежларида электрон кутубхоналарнинг катта имкониятларини эътиборга оладиган бўлсак, айтиш мумкинки услубий таъминотга бўлган талаб жуда ҳам катта. Чунки, электрон кутубхоналарни бойитиш ва ундан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундай ташқари, дарс машғулотида давомида ҳам услубий таъминотдан фойдаланиш ва керакли маълумотлар билан талабаларни таъминлаб туриш ўқитувчига адабиёт масаласида бироз енгилликлар яратиб беради.

Юқоридаги келтириб ўтилган фикрларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, битирув малакавий ишида берилган «MS Office да дастурлаш» фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш мавзуси бугунги кун нуқтаи назаридан жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

1.4. Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади, «MS Office да дастурлаш» фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш ва таълим тизимининг иккинчи босқичи ҳисобланмиш сифат кўрсаткичларни янада ошириш асосий мақсад қилиб олинади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини талабалар онгига сингдиришда таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади [1].

Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади:

- миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик усулидан фойдаланиш;
- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида талабалар онгида миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
- ўқув дастурлари, дарсликлари ва қўлланмаларида миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;
- муҳандис-педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга малакали кадрлар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали муҳандис-педагоглар етиштириб чиқариш жараёнида таълим мазмунини миллий истиқлол ғоялари билан тўлдириб бориш лозим бўлади.

Замонавий техника ва технологияларни ишлатиш ёки ёш авлодга миллий истиқлол ғоясини етказиш учун жаҳон стандартлари даражасидаги фан ва техника ҳамда илғор тажриба ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан бохабар бўлган, рақобатбардош, ўз соҳасининг ҳам илмий, ҳам амалий билган муҳандис-педагог мутахассисларни тайёрлашда 5140900 – Касбий таълим (Информатика ва ахборотлар технологияси) мутахассислигининг асосий фанларидан бири бўлган «Microsoft Officeда дастурлаш» фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

«Microsoft Officeда дастурлаш» фанини ўқитишдан мақсад 5140900 – Касбий таълим (Информатика ва ахборотлар технологияси) йўналиши бўйича Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис тайёрлашдир.

Битирув малакавий ишида келтириб ўтилган мавзу бўйича услубий таъминот яратиш энг асосий масала бўлиб, унда асосий қуйидаги вазифалар белгиланади.

Макрос хақида тушунча. VB,VBA ва VBScript ларнинг макрослар билан ишловчи асосий командалардан фойдаланиш. Microsoft Office дастурлари билан ишлаш имкониятига эга VBA дастурлаш тилида макродастурлар яратиш. Microsoft Office дастурлари билан ишлаш имкониятига эга VB дастурлаш тилида макродастурлар яратиш.каби бошқа ҳисобларни бажариш асосларини ўргатишдан иборатдир.

Шунингдек, яратиладиган услубий кўрсатма, кенг фойдаланувчилар оммасига мос бўлиб, ундан шу соҳага ва фанга яқин бўлган касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртларининг тингловчилари фойдалана олишлари ҳисобга олиниши лозим.

1.5. Битирув малакавий ишининг тузилиши ҳақида маълумот

«MS Office да дастурлаш» фанидан маъруза ва тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш мавзуси бўйича тайёрланган малакавий битирув иши асосан қуйидаги қисмлардан ташкил топган. Булар, кириш, асосий қисм, иқтисодий қисм, педагогика қисми, меҳнат муҳофазаси, атроф муҳит муҳофазаси, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимларидан иборат.

Малакавий битирув ишининг кириш қисми бешта бўлимга ажратилган бўлиб, улар касб таълими йўналишида янги ахборот технологиялари, БМИ иши бўйича мавжуд адабиётлар ва дастурий таъминотлар таҳлили, мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари, ҳамда битирув малакавий ишининг тузилишидан иборат.

Касб таълими йўналишида янги ахборот технологиялари бўлимида таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли-камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари, ўқувчилар ўқув-билим фаолиятининг методлари тўғрисида фикр юритилади.

Мавзунинг долзарблиги, унинг бугунги кун нуқтаи назаридан талқинқилиниб, унинг ҳақиқатда актуал масала эканлиги кўрсатиб берилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари кейинги бўлимда батафсил ёритиб берилади. Ҳамда битирув малакавий ишини асосий вазифаларидан бири «MS Office да дастурлаш» фанидан маъруза ва тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш ва бу электрон услубий таъминотни ўқув жараёнига қўллаб, мақсад қилиб олинган натижага максимал даражада эришишдан иборат эканлиги баён қилинади.

Асосий қисм эса, етти та бўлимдан иборат бўлиб, унда масаланинг қўйилиши, MS Office дастурлари имкониятларини ошириш йўллари, масала учун дастурий ва техник таъминотлар, VBA тили имкониятлари, макросларни яратиш технологияси, электрон услубий таъминотни яратиш технологияси, электрон услубий таъминотни маъруза бўлимини яратиш технологияси, электрон услубий таъминотни амалий бўлимини яратиш технологияси, электрон услубий таъминотни мустақил иш бўлимини яратиш технологияси, электрон услубий таъминотни қўшимча манбалар билан таъминлаш бўлимини яратиш технологияси, дастурий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси келтириб ўтилади.

Ўз навбатида иқтисодий қисмнинг асосий мақсади бўлган малакавий битирув ишида бажарилган ва натижа олинган ишнинг иқтисодий самарадорлиги ва яратилган электрон қўлланманинг нархи ҳисоблаб чиқарилади.

Масала натижаси олиб бўлингач, педагогика қисмида, Тажриба ишларини бажаришда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш, Таълим тизимида электрон услубий таъминот яратишнинг бўйича тавсиялар берилади.

Меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳит муҳофазаси бўлимларида ўқув хоналарида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ва тажриба машғулотларини ўтиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари қараб ўтилади. Шунингдек, умумий таҳлиллари келтириб ўтилади.

Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимларида эса, малакавий битирув ишини бажариш бўйича умумий хулосалар, таклифлар ва ишни бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар ҳамда тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар келтириб ўтилади.

Малакавий битирув ишининг изоҳ бўлимида яратилган электрон қўлланма дастурининг матни келтириб ўтилади.

II. Асосий қисм

2.1. Масаланинг қўйилиши

Биздан «MS Office да дастурлаш» фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш талаб қилинсин. Бунинг учун масаланинг қўйилишдан келиб чиққан ҳолда масала учун қуйидаги ишларни бажариш талаб қилинади:

- фанга тегишли бўлган барча маълумотлар, тажриба ишлари ва уларнинг кетма-кетлиги тартибга солинсин;
- ишчи дастур асосида келтирилган мавзуларни бир-бирига боғланишлари солиштириб берилсин;
- маъруза мавзуларининг ҳар бири учун маъруза матни талкин қилиб чиқилсин;
- фанга тегишли бўлган тажриба ишларининг кетма-кетлиги узаро боғлаб берилсин;
- кетма-кетлик сақланган ҳолда ҳар бир тажриба иши бўйича намунавий кўрсатма берилсин;
- ҳар бир талаба учун тайёрланган топшириқларнинг тенг кучлилиги ва унинг фанга алоқадорлиги талкин қилинсин;
- маъруза ва тажриба ишларини бир – бири билан узвий боғликлиги таҳлил қилиб, асослансин;
- MS Office дастурлари имкониятларини ошириш бўйича ишлар такомиллаштирилсин;
- MS Office дастурлари ва уларнинг имкониятлари ҳақида умумий тушунчалар батафсил ёритиб берилсин;
- Масала учун дастурий ва техник таъминотлар тавсифлаб берилсин;
- VBA тили имкониятлари
- макросларни яратиш технологияси ва офис дастурларини имкониятларини ошириш йуллари талкин қилиб берилсин;
- MS Office да дастурлаш» фанидан маъруза ва тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминотни яратиш;
- Яратилган услубий таъминот учун фойдаланувчига курсатма бериш;
- тажриба ишларини бажаришда масофавий таълим тизимидан фойдаланишни ютуқлари курсатиб берилсин;
- Педагогик жihatдан таълим тизимида электрон услубий таъминот яратиш бўйича тавсиялар берилсин;
- Яратилган дастурий таъминотининг сотув нархи ҳисоблаб берилсин;
- Компьютердан фойдаланиш ва экологик муҳит бўйича зарурий тавсиялар берилсин;

Тажриба ишини ўзлаштирган талабаларни синовдан ўтказиш ва уларни баҳолаш ҳам услубий таъминотнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисоблансин. Тажриба ишларини бажариш бўйича зарурий кўрсатма ва топшириқлардан ташқари ҳар бир тажриба иши учун калит сўзлар ва мавжуд адабиётлар ҳамда интернет саҳифаларидан олиш мумкин бўлган сайтлар рўйхати келтириб ўтилсин.

Хуллас, услубий кўрсатма фан учун мўлжалланган ўқув стандартидан келиб чиққан ҳолда деярли барча маълумотларни ўзида мужассамлаштирсин. Шунингдек, «MS Office да дастурлаш» фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича яратиладиган электрон услубий таъминот кенг фойдаланувчилар ҳам ишлата олиш имконини берадиган ва компьютер саводхонлигини янада оширишни ҳоҳловчилар учун ҳам қулай бўлсин.

2.2. MS Office дастурлари имкониятларини ошириш йўллари

Компьютер дастур таъминотларининг ҳамда компьютерларнинг жуда тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги сабабли компьютердан фойдаланув ва компьютерда дастурий таъминотларни яратувчилари учун жуда кўплаб буйруқларни эса САқлаб қолиш анча қийинчиликларни келтириб чақаради. Шу сабабли дастурий таъминотлардан фойдаланиш ва уларни яратишда махсус йўналтирилган, яъни махсуслаштирилган дастурий таъминотларга аҳамият берилмоқда. Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, кичик ўқув курслари кичик доирадаги билимларни бериб, фақат махсус йўналишлар бўйича ўқувчи билимга эга бўлмоқда. Шунингдек, бита йўналиш бўйича чуқур эмас, балки фойдаланувчилар учун зарур команда ва процедураларни урганиш билан чекланиб қолишга мажбурдирлар. Бунинг сабаби, жуда кўплаб буйруқларни эса сақлаб туришнинг имкони йўқлигида.

Компьютер имкониятларини анча тушуниб олган баъзи фойдаланувчи яратилган дастурий таъминотлардан қонинқиб қолмасдан, балки ўзларининг хоҳишларидаги буйруқларни қўшиб ишлатишни ҳамда керак бўлса баъзи бир буйруқларни янада оптимallasштиришни кўзлайдилар. Шунингдек уларга китоблардагидек бир бошдан ҳамма нарсани тушунтиришни кeрги бўлмай қолади, чунки улар буйруқларни кўришлари билан гап нима ҳақида ва мАқсад нимадан иборатлигини билиб бўладилар.

2.3. Масала учун дастурий ва техник таъминотлар

«MS Office да дастурлаш» фанидан тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш учун албатта бошланғич маълумот сифатида бир неча воситалар талаб қилинади. Яъни бу масалани ҳал қилиш учун энг биринчи навбатда ЭХМ билан таъминланиши зарур. Маълумки, MS Office пакети имкониятлари жуда ҳам катта, бу услубий таъминот асосида ўқувчиларга етарлича маълумот бериш ва ўргатишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиш. Маълумки, MS OFFIce пакети дастурларининг эса, шу кунга қадар бир нечта версиялари яратилган. Версияни танлашда эса, албатта компьютер имкониятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Биз MS Office пакети дастури имкониятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий компьютерлардан фойдаланишни назарда тутамиз.

Энди бироз дастурий таъминотни, яъни электрон қўлланмани яратиш учун зарур бўладиган тил ёки воситалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

MS Office пакети дастурини ўргатувчи электрон қўлланмани яратиш бўйича албатта интернетда фойдаланиш имкониятларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Бу эса, биздан Web саҳифаларни яратиш тиллари ёки воситаларидан бирини билишимизни талаб қилади.

Маълумки, бугунги кунда FronPage 2000, FronPage 2003, Macromedia Flash MX, Macromedia Flash 2004, HTML, PHP каби кўплаб тиллар ва дастурий воситалар мавжуд. Агар биз буларнинг биридан фойдаланишиз талаб қилинса, албатта ўзимиз учун маъқул ва бизга ўз имкониятлари билан ёрдам бера олувчи тил ёки воситалардан бири танлаймиш .

Масаламишни моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, Web саҳифаларини яратиш дастурий воситаларидан бири FrontPage 2003 дастури ўз имкониятлари ва масалани ҳал қилишда амалий ёрдам бера олиши билан маъқул келади.

«MS Office да дастурлаш» фанидан маъруза ва тажриба ишларини бажариш бўйича электрон услубий таъминот яратиш бўйича электрон услубий кўрсатма яратишимиз учун асосан қуйидаги техник таъминот талаб қилинади:

- Pentium III ёки Pentium IV типидagi компьютер;
- Оператив хотира камида 256 мбайт;
- Доимий хотира 10 Гигабайт атрофида;
- Процессорнинг тезлиги камида 1 МНh бўлгани маъқул.

Маълумки, бугунги кунда FrontPage 2000, FrontPage 2003, Macromedia Flash MX, Macromedia Flash 2004, HTML, PHP каби кўплаб тиллар ва дастурий воситалар мавжуд. Агар биз буларнинг биридан фойдаланишиз талаб қилинса, албатта ўзимиз учун маъқул ва бизга ўз имкониятлари билан ёрдам бера олувчи тил ёки воситалардан бири танлаймиз.

Масаламизни моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, Web саҳифаларини яратиш дастурий воситаларидан бири FrontPage 2003 дастури ўз имкониятлари ва масалани ҳал қилишда амалий ёрдам бера олиши билан маъқул келади.

Энди бу дастурнинг имкониятлари ҳақида бироз тўхталиб ўтайлик.


Front Page 2003 - комплекс дастур бўлиб, Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш учун ишлатилади. Front Page express дастури Internet тармоғига ёки Intranet саҳифалари учун янги корпоратив HTML форматидаги ҳужжатларни тез ва сифатли ҳосил қилиш, улар билан алоқаларни текшириб кўриш ҳамда улар билан мулоқотларни чеклашда фойдаланилади. Унинг йилдан-йилга такомиллашган вариантлари ишлаб чиқишиш натижасида унинг бир нечта версиялари юзага келди.

Қуйида Microsoft Front Page таркибига киритилган янги имкониятларидан айримларини санаб ўтамиз. Буларга қуйидагилар киради:

FrontPage редактори (FrontPage editor) - HTML тили ҳақида билим талаб қилмаган ҳолда Web саҳифалар яратиш имконини беради.

FrontPage проводник (FrontPage explorer) - Web саҳифа структурасини аниқлаш ва уни ҳар хил ҳолатларда, график ёки иерархия кўринишида кўрсатиб бериш ва унинг структурасини ўзгартириш имконини беради.

FrontPage explorer дастури янги Web-саҳифаларни махсус шаблонлар, Web-усталаридан фойдаланиб яратиш имконини ҳам беради. Булардан ташқари Web-саҳифаларни бир сервердан бошқасига кўчириш, алоҳида фойдаланувчилар учун ҳамда фойдаланувчилар гуруҳи учун Web-саҳифадан фойдаланиш ҳуқуқларини беради (2-расм).



2-Расм. FrontPage explorer дастури мулоқот тизими

Шахсий Web сервер (Personal Web server) - Web узелини Internet ва Intranet тармоқларидан тўла фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари HTML ҳужжатларини яратилгандан сўнг ҳам таҳлил қилиш ёки текширишга хизмат қилади. Локал ҳамда глобал даражадаги компьютерлардаги турли саҳифаларнинг ички ва ташқи алоқаларини текширади.

Web-тармоғидаги файлларни бошқариш ва Сизнинг Web-саҳифангизга мурожаат қилаётган манзил орқали малумот узатиш имконини беради.

Сервер бошқарувчи (Server Administrator) - Сервер бошқарувчиси локал тармоқли компьютерларда FrontPage серверларини бошқариш имконини беради.

Microsoft Front Page редактори таркибига кирувчи Front Page editor дастури - World Wide Web саҳифаларини яратиш, таҳрирлаш ва назорат қилиш дастуридир. Матнларни киритиш, таҳрирлашда, ҳар хил формалар ва Web саҳифалар учун бошқа элементларни киритиш учун жуда қулай бўлиб, бу дастур орқали тайёрланган Web саҳифаларни худди браузерларда кўраётгандек кўриш имконини ҳам беради. Front Page editor дастуридан фойдаланиб Web саҳифалар яратиш учун, у HTML тили ҳақида билим талаб қилмайди, бу тилни ўзлаштирмасдан ҳам кўпгина Web саҳифалар яратиш имконини беради ва у саҳифаларни автоматик равишда HTML тили кодига айлантириб беради. Булардан ташқари Front Page editor HTML тили кенгайтмаси имкониятларини ҳосил қилишга ҳам, яъни, худди фремлар кўринишида, ActiveX муҳитида бошқариш, Java applets VB Scripts - дастурлаш тилларини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Куйида Front Page editor дастуридан фойдаланиш имкониятларини ҳам келтириб ўтайлик:

- мавжуд шаблонлардан фойдаланиб, янги HTML саҳифаларини яратиш;
- саҳифа форматларининг йиғиндиси ва уларни яратувчи усталар билан ишлаш имкони ва х.к;

- Оддий саҳифа;
- Маълумотлар базасини ҳосил қилувчи уста (мастер)лар;
- Форматлар ҳосил қилувчи усталар;
- Ҳар хил кадрли саҳифалар;
- Излаш саҳифалари;
- Бошқа шаблон ва усталар мажмуаси билан ишлаш имконларини беради.

Front Page editor дастуридан фойдаланиш имкониятлари


Булардан ташқари, янги шахсий шаблонлар яратиш имконини ҳам беради. Янги саҳифалар яратиш учун файл (File) менюси фаоллаштирилади.



3- расм. Янги саҳифа "New Page" номли мулоқот дарчаси.

Бу менюдан "**новый**" (New) командаси танланади. Натижада "янги саҳифа" номли мулоқот дарчаси ёритилади. (3-расм). Ёритилган дарчанинг шаблонлар рўйхатидан керакли шаблон танланади ва "ОК" тугмаси босилади.

